O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING

**FARMONI**

2021 yil « 8 » июль №ПФ–6258

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида**

Давлат активларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш, Давлат бюджетининг даромадлар қисмини кўпайтириш, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимликларининг хусусийлаштиришдан манфаатдорлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Белгилансинки:

мазкур Фармонга 1 ва 2-иловаларда назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳужжатларига асосан хусусийлаштиришдан тушган, бошқа ташкилотларга йўналтирилиши белгиланган ва тақсимланмаган маблағлар республика бюджетига йўналтирилади, Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси ихтиёрида қоладиган маблағлар бундан мустасно;

ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги “Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида”ги ПФ–6167-сон Фармонида белгиланган активларни хусусийлаштиришдан тушган маблағларни тақсимлашга татбиқ этилмайди.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 8 июлдаги ПФ–6258-сон Фармонига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги "Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–4933-сон Фармони 1-бандида:

а) иккинчи хатбошидан ", шу жумладан давлат кўчмас мулк объектларини инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда "ноль" харид қиймати бўйича" сўзлари чиқариб ташлансин;

б) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари асосида сотиладиган давлат мулки объектларини сотишдан тушадиган маблағлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ҳамда объект жойлашган туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларига тенг улушларда йўналтирилади, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига йўналтириладиган маблағлар бундан мустасно;".

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5630-сон Фармони 6-бандида:

а) "б" кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"б) давлат активларини сотишдан тушадиган маблағлар (ушбу банднинг "в" кичик банди бундан мустасно):

87 фоизи – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

10 фоизи – Жамғармага;

3 фоизи – маблағларни мақсадли равишда тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан тадбиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини молиялаштиришга йўналтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига (Жамғарманинг ҳар йилги даромадлари ва харажатлари параметрларида белгиланадиган суммадан ошган қисми республика бюджетига йўналтирилади);”;

б) қуйидаги мазмундаги “в” кичик банд билан тўлдирилсин:

“в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари асосида сотиладиган давлат мулки объектларини сотишдан тушадиган маблағлар:

87 фоизи – тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ҳамда объект жойлашган туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларига тенг улушларда;

10 фоизи – Жамғармага;

3 фоизи – маблағларни мақсадли равишда тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан тадбиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини молиялаштиришга йўналтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига (Жамғарманинг ҳар йилги даромадлари ва харажатлари параметрларида белгиланадиган суммадан ошган қисми республика бюджетига йўналтирилади).”.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 августдаги “Бўстонлиқ туманида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6053-сон Фармони 3-банди “а” кичик бандининг учинчи хатбошисидаги “давлат мулки объектлари” сўзлари “давлат мулки объектларини сотишдан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи” сўзлари билан алмаштирилсин.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6096-сон Фармонида:

а) 12-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“давлат активларини “ноль” харид қийматида сотиш ва инвестиция ҳамда ижтимоий мажбуриятлар асосида “1 сўм” бошланғич қийматда оммавий савдоларга чиқариш амалиёти бекор қилинади;”;

б) 13-банднинг биринчи хатбошисидаги “2021 йил 1 июлга” сўзлари “2021 йил 1 декабрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 20-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “2021 йил 1 июнга” сўзлари “2021 йил 1 декабрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПҚ–4249-сон қарорида:

а) 9-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи–олтинчи хатбошилар тегишинча иккинчи–бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 12-банддаги “Жамғарманинг” сўзи “Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма)нинг” сўзлари билан алмаштирилсин.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4265-сон қарори 4-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи–олтинчи хатбошилар тегишинча иккинчи–бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4388-сон қарори 13-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи–тўққизинчи хатбошилар тегишинча учинчи–саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**8.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4755-сон қарори 5-бандида:

“в” кичик банддаги “Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тақсимланадиган қисми” сўзлари “50 фоизи” сўзлари билан алмаштирилсин;

“г” кичик банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“г) туристик зоналар ҳудудида жойлашган ва давлатга тегишли бўлган мулкий комплексларни сотишдан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи ҳамда ер участкаларини сотишдан тушадиган маблағлар қуйидаги тартибда тақсимланади:”.

**9.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4862-сон қарори 15-бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 августдаги “Меҳмонхона соҳасига қўшимча инвестицияларни жалб этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 661-сон қарори 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Белгилаб қўйилсинки, объектларни сотишда сотиб олиш тўловларини тўлашнинг максимал муддати тўловларни тенг улушлар билан ҳар чоракда тўлаган ҳолда 3 йилни ташкил қилади.”.

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 45-сон қарори 10-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи–олтинчи хатбошилар тегишинча учинчи–бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 404-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 6-бандда:

“а” кичик банддаги “73” рақами “87” рақами билан алмаштирилсин;

“б” кичик банддаги “24” рақами “10” рақами билан алмаштирилсин;

“в” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) 3 фоизи — маблағларни мақсадли равишда бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва тадбиркорларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, тадбиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини молиялаштиришга йўналтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига (Жамғарманинг ҳар йилги даромадлари ва харажатлари параметрларида белгиланадиган суммадан ошган қисми республика бюджетига йўналтирилади).”;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 7-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари асосида сотиладиган давлат мулки объектларини сотишдан тушган маблағлар:

87 фоизи – тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ҳамда объект жойлашган туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига тенг улушларда;

10 фоизи – Жамғармага;

3 фоизи – маблағларни мақсадли равишда тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан тадбиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини молиялаштиришга йўналтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига йўналтирилади (Жамғарманинг ҳар йилги даромадлари ва харажатлари параметрларида белгиланадиган суммадан ошган қисми республика бюджетига йўналтирилади).”;

иккинчи–олтинчи хатбошилар тегишинча бешинчи–тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**13.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 майдаги 273-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг чет элда жойлашган давлат мулки объектларининг ҳисобини юритиш ва уларни бошқариш тартиби тўғрисидаги низомнинг 25-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“25. Чет элда жойлашган давлат мулки объектларини сотишдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукумат ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, Агентлик томонидан умумий тартибда тақсимланади”.

**14.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 433-сон қарорида:

а) 1-банднинг ўн олтинчи хатбошисидаги “маблағларининг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тақсимланадиган қисми” сўзлари “маблағларнинг 50 фоизи” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 12-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 16-илованинг номланишидаги “маблағларининг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тақсимланадиган қисми” сўзлари “маблағларнинг 50 фоизи” сўзлари билан алмаштирилсин.

**15.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 сентябрдаги “Бўстонлиқ туманидаги бўш турган, фойдаланилмаётган ҳамда самарасиз фойдаланилаётган объектлар ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш, улар негизида туризм ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 560-сон қарори 3-банди еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“мазкур қарорга 1 ва 3-иловаларга киритилган давлат мулки объектларини сотишдан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи, шунингдек бўш турган ер майдонларига бўлган ҳуқуқни сотишдан тушадиган маблағлар (баҳолаш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш харажатларидан ташқари) тўлиқлигича Тоғли ва олис ҳудудларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади;”.

**16.** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги “Навоийуран” давлат корхонаси, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 170-сон қарорига 1-илованинг изоҳи 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилаётган активлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 27 октябрдаги ПФ–6096-сон Фармонининг 12-бандига мувофиқ оммавий савдоларга чиқарилади”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 8 июлдаги ПФ–6258-сон Фармонига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари**

**РЎЙХАТИ**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1015-сонли қарорига 2-илованинг 4-банди.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 июлдаги 540-Ф-сон фармойиши 2-бандининг учинчи хатбошиси ва 3-банди.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
**FARMONI**

2021 yil «8» июля №УП–6258

**О внесении изменений и дополнений, а также признании утратившими силу некоторых актов Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан**

В целях эффективного использования средств, поступивших от приватизации государственных активов, увеличения доходной части Государственного бюджета, а также обеспечения заинтересованности районных (городских) хокимиятов в приватизации:

1. Внести изменения и дополнения в некоторые акты Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан согласно приложению № 1.

2. Признать утратившими силу некоторые акты Правительства Республики Узбекистан согласно приложению № 2.

3. Установить, что:

нераспределенные средства, поступившие от приватизации, подлежащие направлению другим организациям согласно актам Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан, предусмотренным приложениями №№ 1 и 2 к настоящему Указу, направляются в республиканский бюджет, за исключением средств, оставляемых в распоряжении Фонда по управлению, трансформации и приватизации государственных активов.

настоящий Указ не распространяется на распределение средств, поступивших от приватизации активов, определенных Указом Президента Республики Узбекистан от 11 февраля 2021 года № УП–6167 «О мерах по дальнейшему ускорению процессов приватизации государственных активов».

4. Контроль за исполнением настоящего Указа возложить на заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Кучкарова Д.А.

**Президент**
**Республики Узбекистан** **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

город Ташкент

Приложение № 1
к Указу Президента Республики Узбекистан
от 8 июля 2021 года № УП–6258

## Изменения и дополнения, вносимые в некоторые акты Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан

**1.** В пункте 1 Указа Президента Республики Узбекистан от 17 января 2017 года № УП–4933 «О мерах по дальнейшему упрощению процедур и ускорению реализации объектов государственной собственности для использования в предпринимательских целях»:

а) из абзаца второго слова «, в том числе государственных объектов недвижимого имущества по «нулевой» выкупной стоимости с принятием инвестиционных обязательств» исключить;

б) абзац третий изложить в следующей редакции:

«средства, поступающие от реализации объектов государственной собственности, реализуемых на основании решений Председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимов областей и г. Ташкента, направляются в равных долях, соответственно, в бюджет Республики Каракалпакстан, местные бюджеты областей и г. Ташкента, а также в местные бюджеты районов (городов) по месту расположения объекта, за исключением средств, направляемых в установленном порядке Агентству по управлению государственными активами Республики Узбекистан и Торгово-промышленной палате Узбекистана;».

**2.** В пункте 6 Указа Президента Республики Узбекистан от 14 января 2019 года № УП–5630 «О мерах по коренному совершенствованию системы управления государственными активами, антимонопольного регулирования и рынка капитала»:

а) подпункт «б» изложить в следующей редакции:

«б) от реализации государственных активов (за исключением подпункта «в» настоящего пункта):

87 процентов — в республиканский бюджет Республики Узбекистан;

10 процентов — в Фонд;

3 процента — Торгово-промышленной палате Республики Узбекистан, с целевым направлением на поддержку развития предпринимательства, в том числе финансирование учебных курсов, организуемых для предпринимателей (часть, превысившая сумму, устанавливаемую в ежегодных параметрах доходов и расходов Фонда, направляется в республиканский бюджет);»;

б) дополнить подпунктом «в» следующего содержания:

«в) от реализации объектов государственной собственности, реализуемых на основании решений Председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимов областей и г. Ташкента:

87 процентов — в равных долях, соответственно, в бюджет Республики Каракалпакстан, местные бюджеты областей и г. Ташкента, а также в местные бюджеты районов (городов) по месту расположения объекта;

10 процентов — в Фонд;

3 процента — Торгово-промышленной палате Республики Узбекистан, с целевым направлением на поддержку развития предпринимательства, в том числе финансирование учебных курсов, организуемых для предпринимателей (часть, превысившая сумму, устанавливаемую в ежегодных параметрах доходов и расходов Фонда, направляется в республиканский бюджет).».

**3.** В абзаце третьем подпункта «а» пункта 3 Указа Президента Республики Узбекистан от 27 августа 2020 года № УП–6053 «О мерах по ускоренному развитию туризма путем внедрения особого порядка управления в Бостанлыкском районе» слова «объектов государственной собственности» заменить словами «объектов государственной собственности в размере 50 процентов».

**4.** В Указе Президента Республики Узбекистан от 27 октября 2020 года № УП–6096 «О мерах по ускоренному реформированию предприятий с участием государства и приватизации государственных активов»:

а) абзац второй пункта 12 изложить в следующей редакции:

«отменяется практика реализации государственных объектов по «нулевой» выкупной стоимости и выставления их на публичные торги по стартовой цене «1 сум» с принятием инвестиционных и социальных обязательств;»;

б) в абзаце первом пункта 13 слова «1 июля 2021 года» заменить словами «1 декабря 2021 года»;

в) в абзаце четвертом пункта 20 слова «1 июня 2021 года» заменить словами «1 декабря 2021 года».

**5.** В постановлении Президента Республики Узбекистан от 27 марта 2019 года № ПП–4249 «О стратегии дальнейшего развития и реформирования электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан»:

а) в пункте 9:

абзац второй исключить;

абзацы третий – шестой считать соответственно абзацами вторым – пятым;

б) в пункте 12 слово «и Фонда» заменить словами «и Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан (далее — Фонд)».

**6.** В пункте 4 постановления Президента Республики Узбекистан от 3 апреля 2019 года № ПП–4265 «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности»:

абзац второй исключить;

абзацы третий – шестой считать соответственно абзацами вторым – пятым.

**7.** В пункте 13 постановления Президента Республики Узбекистан от 9 июля 2019 года № ПП–4388 «О мерах по стабильному обеспечению экономики и населения энергоресурсами, финансовому оздоровлению и совершенствованию системы управления нефтегазовой отраслью»:

абзац третий исключить;

абзацы четвертый – девятый считать соответственно абзацами третьим – восьмым.

**8.** В пункте 5 постановления Президента Республики Узбекистан от 19 июня 2020 года № ПП–4755 «О дополнительных мерах по развитию сферы туризма при строгом соблюдении требований усиленного режима санитарно-эпидемиологической безопасности»:

в подпункте «в» слова «, в части, распределяемой в республиканский бюджет Республики Узбекистан» заменить словами «в размере 50 процентов»;

абзац первый подпункта «г» изложить в следующей редакции:

«средства, поступающие от реализации принадлежащих государству и расположенных на территории туристских зон имущественных комплексов в размере 50 процентов и земельных участков, распределяются в следующем порядке:».

**9.** Абзац третий пункта 15 постановления Президента Республики Узбекистан от 13 октября 2020 года № ПП–4862 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы вовлечения населения в предпринимательство и развитию предпринимательства» исключить.

**10.** Пункт 5 постановления Кабинета Министров от 14 августа 2018 года № 661 «О мерах по привлечению дополнительных инвестиций в гостиничную сферу» изложить в следующей редакции:

«5. Определить, что при реализации объектов максимальный срок оплаты выкупных платежей составляет 3 года, с ежеквартальным внесением платежей равными долями.».

**11.** В пункте 10 постановления Кабинета Министров от 18 января 2019 года № 45 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы осуществления научно-исследовательской работы в сфере механизации сельского хозяйства» в тексте на государственном языке:

абзац третий исключить;

абзацы четвертый – шестой считать соответственно абзацами третьим – пятым.

**12.** В Положении о порядке формирования и использования средств внебюджетного Фонда по управлению, трансформации и приватизации государственных активов при Агентстве по управлению государственными активами Республики Узбекистан, утвержденном постановлением Кабинета Министров от 15 мая 2019 года № 404, в тексте на государственном языке:

а) в пункте 6:

в подпункте «а» цифру «73» заменить цифрой «87»;

в подпункте «б» цифру «24» заменить цифрой «10»;

подпункт «в» изложить в следующей редакции:

«в) 3 фоизи — маблағларни мақсадли равишда бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва тадбиркорларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, тадбиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини молиялаштиришга йўналтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига (Жамғарманинг ҳар йилги даромадлари ва харажатлари параметрларида белгиланадиган суммадан ошган қисми республика бюджетига йўналтирилади).»;

абзац шестой исключить;

б) в пункте 7:

абзац первый изложить в следующей редакции:

«7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари асосида сотиладиган давлат мулки объектларини сотишдан тушган маблағлар:

87 фоизи – тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ҳамда объект жойлашган туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига тенг улушларда;

10 фоизи – Жамғармага;

3 фоизи – маблағларни мақсадли равишда тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан тадбиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини молиялаштиришга йўналтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига йўналтирилади (Жамғарманинг ҳар йилги даромадлари ва харажатлари параметрларида белгиланадиган суммадан ошган қисми республика бюджетига йўналтирилади).»;

абзацы второй – шестой считать соответственно абзацами пятым – девятым.

**13.** Пункт 25 Положения о порядке ведения учета находящихся за рубежом объектов государственной собственности Республики Узбекистан и управления ими, утвержденного постановлением Кабинета Министров от 8 мая 2020 года № 273, в тексте на государственном языке изложить в следующей редакции:

«25. Чет элда жойлашган давлат мулки объектларини сотишдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукумат ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, Агентлик томонидан умумий тартибда тақсимланади.».

**14.** В постановлении Кабинета Министров от 10 июля 2020 года № 433 «О мерах по созданию благоприятных условий для восстановления и развития сферы туризма в Республике Узбекистан» в тексте на государственном языке:

а) в абзаце шестнадцатом пункта 1 слова «маблағларининг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тақсимланадиган қисми» заменить словами «маблағларнинг 50 фоизи»;

б) пункт 12 признать утратившим силу;

в) в наименовании приложения № 16 слова «маблағларининг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тақсимланадиган қисми» заменить словами «маблағларнинг 50 фоизи».

**15.** Абзац седьмой пункта 3 постановления Кабинета Министров от 17 сентября 2020 года № 560 «О мерах по эффективному использованию пустующих, неиспользуемых, неэффективно используемых объектов и земельных участков в Бостанлыкском районе, организации на их базе инфраструктуры туризма и оказания услуг» в тексте на государственном языке изложить в следующей редакции:

«мазкур қарорга 1 ва 3-иловаларга киритилган давлат мулки объектларини сотишдан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи, шунингдек бўш турган ер майдонларига бўлган ҳуқуқни сотишдан тушадиган маблағлар (баҳолаш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш харажатларидан ташқари) тўлиқлигича Тоғли ва олис ҳудудларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади;».

**16.** Пункт 5 примечаний к приложению № 1 постановления Кабинета Министров от 30 марта 2021 года № 170 «Об организации деятельности государственного предприятия «Навоиуран», акционерного общества «Навоийский горно-металлургический комбинат» и государственного учреждения «Фонд Навоийского горно-металлургического комбината» в тексте на государственном языке изложить в следующей редакции:

«5. Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилаётган активлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 27 октябрдаги ПФ–6096-сон Фармонининг 12-бандига мувофиқ оммавий савдоларга чиқарилади.».

Приложение № 2
к Указу Президента Республики Узбекистан
от 8 июля 2021 года № УП–6258

**ПЕРЕЧЕНЬ**
**некоторых актов Правительства Республики Узбекистан, признаваемых утратившими силу**

**1.** Пункт 4 текста на государственном языке приложения № 2 к постановлению Кабинета Министров от 19 декабря 2019 года № 1015 «О мерах по организации деятельности Агентства по защите прав потребителей при Антимонопольном комитете Республики Узбекистан».

**2.** Абзац третий пункта 2 и пункт 3 текста на государственном языке распоряжения Кабинета Министров от 16 июля 2015 года № 540-Ф.